


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Қарздорлардан ундирилган мол-мулк онлайн-аукционда сотилади

Президентнинг 27.07.2017 йилдаги ПҚ-3149-сон қарори билан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари маъқулланди.

2017 йил 1 сентябрдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдолари фақатгина «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказилади. Бунинг учун аукционларда Интернет орқали иштирок этиш имконини берадиган махсус дастурдан фойдаланилади. Бунда буюртмаларни қабул қилиш ва голибни аниқлаш тартиб-таомилларига аралашув истисно этилади.

Онлайн-аукционни ўтказиш ҳақида олдиндан – уни ўтказиш кунига камида 10 кун қолганда лот кўрсатилган ҳолда хабар қилинади. Хабарнома қуйдагиларга жойлаштирилади:

➤ Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази веб-порталига;

➤ Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий бошқармалари веб-сайтларига.

Онлайн-аукционларда иштирок этиш учун ЭРИ билан тасдиқланган электрон буюртма берилади ва закатлар киритилади. Дастлабки онлайн-аукцион нархни ошириб бориш тамойили, такрорийлари эса нархни тушириб бориш тамойили бўйича ўтказилади.

Мол-мулк онлайн-аукционга баҳолаш қиймати бўйича қўйилади. Давлат ижрочилари онлайн-аукционларда сотилмаган мол-мулкни арзонлаштиришга ҳақли эмас.

Марказ электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш билан шугулланади. Буни Мажбурий ижро бюроси ҳузуридаги ДУК амалга оширади, у Марказнинг муассиси (мулкдори) ҳисобланади.

Унинг вазифалари қуйдагилардан иборат:

➤ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш

бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш;

➤ мол-мулкни электрон онлайн-аукционларда реализация қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

➤ фуқароларни электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш тартиби, шунингдек савдога қўйилган мол-мулк ҳақида кенг хабардор қилиш;

➤ электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш учун ЭРИ қалитларининг сертификатларини бериш;

➤ мол-мулкни сақлаш, ташиш, сақлаб туриш ва савдога тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.

Марказ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли оператор ҳисобланади.

Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиаллар ташкил этишга ҳақлидир.

Янги қурилган уйдан квартира олганлар Тошкентда пропискага қўйилади

Вазирлар Маҳкамасининг 19.07.2017 йилдаги 527-сон қарори билан фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида

Ҳукуматнинг айрим қарорларига қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган

шахсларга кўчмас мулкни сотиш шартлари белгиланди.

Энди Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам кўчмас мулк сотиб олишлари мумкин.

Бунда кўчмас мулкни харид қилиш қиймати ва тури ҳамда ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби муҳим аҳамият касб этади:

Субъект	Кўчмас мулкни сотиб олиш шартлари	Битимларни нотариал тасдиқлаш учун давлат божи ставкалари
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган Ўзбекистон фуқароси; Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан келган ва ўша минтақаларда доимий пропискага эга бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қиймати ЭКИХнинг 2 500 бараваридан кам бўлмаган янги қурилган кўчмас мол-мулкни ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали амалга оширган ҳолда сотиб олинганда	шартнома суммасининг 5%и миқдориди
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида шартнома тузилган санадаги МБ курси бўйича қиймати 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган янги қурилган кўчмас мол-мулкни ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали Ўзбекистоннинг ваколатли банкларидан хорижий валютани сотиш орқали олинган миллий валютада сотиб олинганда	шартнома суммасининг 10%и миқдориди

Янги қурилган кўчмас мол-мулк деганда қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 йил ўтмаган бино, иншоот, турар жой тушунилади. Кўчмас мулкка мулк ҳуқуқи туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, турар жойни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори асосида вужудга келади.

Жадвалда кўрсатилган шартлар бўйича сотиб олинган кўчмас мулкни кейинчалик қайта расмийлаштиришда харид қилинган кундан бошлаб 3 йил мобайнида олди-сотди, алмаштириш ва ҳада қилиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи ЭКИХнинг 400 бараварини ташкил қилади.

Бу – муҳим! Белгиланган шартларда турар жой сотиб олган шахслар мегишли Рўйхатнинг («Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган) 1-бандига биноан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлишга даъвогар бўлишлари мумкин.

2-бетда

Ушбу
сонда:

5-БЕТ

Сақлаш хизматларини кўрсатувчи ташиш хизматлари учун лицензия оладими?

6-БЕТ

Уйда макорон ишлаб чиқариш учун Давсанэпидемназорат билан келишинг

8-БЕТ

Хорижда яшовчи фуқароларга паспорт бериш масалалари



Озиқ-овқат товарлари нархининг сунъий равишда оширилишига йўл қўйилмайди

Вазирлар Маҳкамасининг 25.07.2017 йилдаги 541-сон қарори билан Ички истеъмол бозорида нарх-навои барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди. У 2018 йил 1 апрелгача амал қилади, бироқ Ҳукумат қарори билан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 23.06.2017 йилдаги ПҚ-3082-сон қарори билан эквиваленти 100 млн АҚШ доллари бўлган бирламчи бадал ҳисобидан шакллантириладиган Ички истеъмол бозорида нарх-навои барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси ва Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навои мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси ташкил этилган.

Жамғарма маблағлари ички бозорда озиқ-овқат товарларига, биринчи навбатда, гўшт, ўсимлик ва ҳайвон ёғи, галла, ун, картошка, сабзи, бошпиез, шунингдек бошқа муҳим ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларига бўлган талаб ва таклифларнинг мавсумий ва жадал тебранишларини силлиқлаштиришга йўналтирилади. Бунинг учун Ташқи савдо вазирлиги ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари учун нархлар конъюнктура-си доимий мониторингини юритади ва Республика комиссиясига Жамғарма маблағлари ҳисобига уларни импорт қилиш бўйича нархларни таклиф этади.

Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига Жамғарманинг ажратилган маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга ошириш юклатилди. Давлат солиқ қўмитаси

Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилинадиган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг ҳаракати, шунингдек улар нархларининг сунъий равишда ошишига йўл қўймаслик юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаши даркор.

Божхона пломбалари қўйиш тартибга солинди

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 27.07.2017 йилда 2904-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидалари тасдиқланди.

Қабул қилинган ҳужжатда «махсус божхона пломбаси» атамасига таъриф берилган. У – Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган шакл, ўлчам ва ташқи кўринишдаги, белгиланган серия ва тартиб рақамли, товар ва транспорт воситаларини идентификациялашда бир марта фойдаланиладиган божхона идентификациялаш воситаси.

Шунингдек, аниқлаштирилишича, Божхона кодексининг 224-моддасига мувофиқ, авария ёки ёнгиб бўлмас куч таъсири ёҳуд товарларни тайин қилинган жойга ташишга тўсқинлик қиладиган бошқа вазиятлар оқибатида ташувчи:

➢ товарнинг, транспорт воситасининг бутлигини сақлаш ва улардан фойдаланилишига йўл қўймаслик учун зарур чора-тадбирларни кўриши;

➢ энг яқин божхона органига тегишли вазиятлар, товарнинг ва транспорт воситасининг турган жойи тўғрисида дарҳол хабар бериши;

➢ товарларни энг яқин божхона органига ёки божхона органи кўрсатган бошқа жойга олиб бориши ёҳуд, агар унинг транспорт воситаси бузилган бўлса, олиб борилишини таъминлаши шарт.

Бунда Божхона органи божхона назоратини таъминлаш учун қўлланиладиган чора-тадбирларни содир бўлган ҳодисанинг хусусиятига, товар сифатининг йўқотилиш даражаси ва товар ташилишини амалга ошираётган транспорт воситасининг техник ҳолатига боғлиқ равишда белгилайди.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 31.07.2017 йилдаги 30-сонида расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ой ўтгандан кейин қучга киради.

Сифат бўйича эксперт-аудиторлар аттестациядан қандай ўтказилади?

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 21.07.2017 йилда 2899-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш:

➢ уларнинг профессионал малакасини холисона баҳолаш;

➢ зиммасига юкланган функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини, сифатни баҳолаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

➢ сифат бўйича эксперт-аудиторлик фаолияти



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 8 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилайди.*

1 Австралия доллари	3277,64	1 Малайзия ринггити	964,35
1 Англия фунт	1147,29	1 Польша злотийси	1147,29
1 стерлинги	5385,85	1 СДР	5834,48
1 Дания кронаси	654,56	1 Туркия лираси	1170,16
1 БАА дирҳами	1123,46	1 Швейцария франки	4247,95
1 АҚШ доллари	4126,45	1 ЕВРО	4879,06
1 Миср фунти	232,48	10 Жанубий Корея вони	36,62
1 Исландия кронаси	39,37	10 Япония иенаси	372,76
1 Канада доллари	3266,67	1 Россия рубли	68,40
1 Хитой юани	613,83	1 Украина гривнаси	159,67

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотини ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаса.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	7.08.2017	1	1,7008	1	2,0061	1	0,0284
Арманистон	4.08.2017	1	478,77	1	568,83	1	7,93
Беларусь	7.08.2017	1	1,9495	1	2,3157	100	3,2331
Грузия	7.08.2017	1	2,3910	1	2,8393	100	3,9548
Қозоғистон	7.08.2017	1	333,36	1	396	1	5,52
Қирғизистон	7.08.2017	1	69,3816	1	82,4427	1	1,1501
Молдова	7.08.2017	1	17,9572	1	21,3187	1	0,2971
Россия	5.08.2017	1	60,3281	1	71,6879	—	—
Тожикистон	7.08.2017	1	8,8096	1	10,4596	1	0,1430
Туркменистон	7.08.2017	1	3,5000	1	4,1199	100	5,8419
Украина	7.08.2017	100	2 584,2593	100	3 067,0345	10	4,2837

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси

1-3-бетлар

• СТРАТИЯ – АМАЛДА

– Қишлоқ ҳўжалиги экспортчилари учун янги имкониятлар

3-бет

• ҲўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Классификатор ёрдам беради

– МЧЖни қайта ташкил этиш: ҳаракатлар алгоритми

– Сақланаётган товар лицензия асосида етказиб берилади

– Дўкondaги товар кредити

– Фаолиятни кенгайтириш: билъярд клубини очиш

4-5-бетлар

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Муассис қарз сўрапти

– Банкнинг воситачилик ҳақи олиши қонунга зид

– Ҳусусий уйда ишлаб чиқариш: талаблар ва чекловлар

6-бет

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Жарима тўлайсиз

– Картотека ёрдам беради

– Тасдиқлаш учун маълумотнома

– Кўп йил ўтибди

– Йўриқномага мувофиқ

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– ФХШ: иш ҳажмини муддат белгилайди

– Такрорий инструктаж: ўтказиш даврийлиги

– Тиббий кўрикдан ўтмаганлик учун тиббий сўғурта бадалларини оширадирлар

– Директорлар ва бош бухгалтерлар учун янги жазо чоралари

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш мақсадида амалга оширилади.

Олий маълумотли, мувофиқлик сертификати ва сифатни баҳолаш соҳасида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган, сифатни баҳолаш соҳасида малака оширган, шунингдек сертификатлаштиришдан ўтган соҳаси бўйича жами 4 марта аккредитация ва инспекция назоратларида иштирок этган мутахассислар аттестациядан ўтказилади.

Сифат бўйича эксперт-аудиторлар ҳар 3 йилда аттестациядан ўтказилиши керак.

Аттестацияни ўтказиш учун «Ўзстандарт» агентлиги бош директори буйруғига асосан 9 кишидан иборат Аттестация комиссияси тузилади. Аттестация комиссиясининг йиғилиши ҳар 3 ойда бир мартаба ўтказилади ва унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Номзод ариза билан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) нусхаси;
- номзоднинг тасдиқланган шакл бўйича анкетаси;
- олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг кўчирма нусхаси;
- аккредитация ва инспекция назоратларида иштирок этганлигини тасдиқловчи буйруқ нусхаси;
- иш стажини тасдиқловчи ҳужжат (меҳнат дафтарчаси) нусхаси;

- иш жойидан тавсифнома;
- ходимнинг сертификатлаштирилганлиги тўғрисидаги мувофиқлик сертификати нусхаси.

Аттестациянинг ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида номзод камида 10 кун олдин хабардор қилинади. Барча зарур ҳужжатларни тақдим этган номзод аттестацияга узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда унга навбатдаги мажлисда аттестациядан ўтказилиш учун яна бир бор имконият берилади.

Аттестация суҳбат кўринишида ўтказилади. Номзоднинг билимлари ва иш тажрибасини ҳисобга олиб қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: номзодни аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва унга гувоҳномани бериш; номзодни аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ва унга гувоҳномани беришни рад этиш.

Аттестация натижалари комиссия аъзолари орасида овоз бериш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади. Комиссия қароридан норози бўлган номзодлар аттестация натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида аттестация комиссиясига ариза (шикоят) билан мурожаат қилишлари мумкин.

Сертификатнинг амал қилиш муддати – 3 йил. Сертификат бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳимояланганлик даражасига, ҳисобга олиш сериясига ва тартиб рақамига эга бўлади.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 24.07.2017 йилдаги 29-сонда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Қишлоқ хўжалиги экспортчилари учун янги имкониятлар

Савдо-саноат палатаси «Ўзгросаноатбиржа» АЖ ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда бутун республикадан пойтахтимизга келган тадбиркорлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини товар-хон ашё биржалари орқали экспорт қилиш масалаларига бағишланган семинар ўтказди.

Президентнинг «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (21.06.2017 йилдаги ПҚ-3077-сон) билан маҳаллий тадбиркорларга мустақил равишда экспорт қилиш имконияти берилди. Илгари ушбу секторда «Ўзгроэкспорт» АЖ монопол мавқега эга эди. Семинарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маҳаллий экспортчиларига янги узилган мева-сабзавотларни ташқи бозорларга олиб чиқишнинг амалий жиҳатлари, шунингдек ушбу соҳада банд бўлган корхоналарга тақдим этилган қўшимча имтиёзлар ҳақида атрофлича тушунтириш берилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Б.Асадов ишбилармонлик муҳитининг такомиллаштирилиши, ортиқча ва эскирган рухсат бериш тартибларининг бекор қилиниши ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт ҳажмининг ошириш, маҳаллий экспортчиларнинг рақобатдошлиги ва молиявий барқарорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар мустақил ҳаракат қилиши учун йўл очилган бўлса-да, уларнинг аксарияти механизмлар ва экспортга жўнатиладиган маҳсулотларга қўйиладиган талаблардан беҳабар. Агар илгари «Ўзгроэкспорт» компанияси ҳужжатларни тайёрлаш, маҳсулотларни сертификатлаштириш, бошқа мажбурий таомиллар учун жавобгарлиқни зиммасига олган бўлса, энди бу масалаларнинг барчасини тадбиркорларнинг ўзлари ҳал этишларига тўғри келмоқда.

Аслини олганда уларда танлаш имкони мавжуд – мустақил равишда харидорни излаши ва у билан ҳамкорлик қилиши ёхуд воситачиларнинг хизматларига таяниши мумкин. Экспортчиларга бундай ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар орасида «Uztrade», «Ўзгроэкспорт» компаниялари, «Ўзгросаноатбиржа» АЖ, Савдо-саноат палатаси, Кичик тадбиркорлиқни ривожлантиришни кафолатлаш фонди ва бошқалар бор. Айримларининг вакиллари тадбиркорларни ўз хизматлари билан таништирилди.

Семинарда Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк мутахассислари ҳам сўзга чиқдилар.

– Тадбирнинг асосий мақсади – бўлғуси экспортчиларга янги имкониятлар, шунингдек маҳсулотни олиб чиқиш пайтида амалиётда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳақида маълумот бериш, – дея қайд этди ССПнинг маҳаллий товарлар, хизматлар ва ишларни экспорт қилишга қўмаклашиш бошқармасининг бошлиғи Ғофуржон Усмонов. – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мустақил экспорт қилиш ҳуқуқини берувчи янги вазиятга тўғнаш келган тадбиркорлар ушбу жараёнинг барча босқичларини ҳар томонлама ўрганишдан манфаатдор. Бошқа томондан, уларга қўмаклашадиган давлат тузилмалари ва воситачи компаниялар вакилларининг бугунги мулоқот доирасида маҳсулот етиштирувчилар қандай қийинчиликларга тўғнаш келаётганларини билишлари ҳам фойдадан холи эмас. Бу ўзaro ҳамкорлик механизмининг яхшилаш чораларини қўришда ёрдам беради.

Саида Жониқова,
«Norma Online» муҳбири.

Битта операция – битта инкассо топшириқномаси

МБ Бошқарувининг қарори (AB томонидан 17.07.2017 йилда 2465-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзгартиришлар билан ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлар рўйхати кенгайди. Кўрсатилишича, уларда раҳбар ва бош бухгалтернинг (бош бухгалтер кўзда тутилмаган ҳоллар бундан мустасно) ФИО ҳамда уларнинг имзолари бўлиши керак. Чекларга мазкур талаб татбиқ этилмайди.

кўрсатишга рухсат берилди (муқаддам – фақат тўловчининг).

Шунингдек, мемориал ордерлар билан амалга оширилган операцияларнинг тўғрилиги учун жавобгар шахслар рўйхатига ҳам тузатиш киритилди. Улар қаторига банк раҳбари, бош бухгалтери ва ушбу операцияни амалга оширган масъул ходим киритилди (муқаддам – бухгалтер, мижознинг банк ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи ходим).

Аниқлаштирилишича, тўлов талабномаси ва инкассо топшириқномаси хўжалик юритувчи субъектларнинг фақат асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағига тақдим этилиши мумкин. Инкассо топшириқномаси айнан битта операция бўйича такроран тақдим этилиши мумкин эмаслиги ҳам белгиланган. Дастлабки инкассо топшириқномаси маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка келиб тушмаган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 24.07.2017 йилдаги 29-сонда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Эслатиб ўтамиз, қуйидагилар ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳисобланади: мемориал ордер, тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси, аккредитив-га ариза, тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки.

Ҳисоб-китоб ҳужжатларида таъсис ҳужжатларида назарда тутилган маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчининг қисқартирилган фирма номларини



Олег Заманов, Самир Латипов, Моҳина Мирзаева, «Norma Online» экспертлари.

Реклама

**«КИЧИК КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимархон кўч., 1/1.

Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Классификатор ёрдам беради

Машиналар учун дарпардалар тайёрлайдиган ишлаб чиқаришни очмоқчимиз. Дарпардаларда буюртмачиларнинг логотипини, шунингдек реклама қилаётган маҳсулотини тасвирлашни режлаштиряпмиз.

Бу реклама ҳисобланадими, у билан шугулланиш учун қандай ҳужжатлар (патент, лицензия ва ҳ.к.) зарур? Ушбу ишлаб чиқариш фаолиятининг қандай турига киради?

Е.Полевина.

— Агар юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект автомашиналар учун дарпардалар тайёрлаш билан шугулланаётган бўлса, ушбу фаолият кийимдан ташқари тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга¹ киради (ИФУТ коди — 13.92.0). Бундай маҳсулотлардаги босма (буюртмачининг логотипи ва маҳсулоти тасвирини тушириш) мазкур Таснифлагичнинг 18.12-синфига (18.12.0-«Матбаа фаолиятининг бошқа турлари» кичик синфи) киради².

Бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида буюртмачи, унинг маҳсулоти, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ҳақида машиналар учун дарпардалар воситасида тарқатиладиган ахборот реклама ҳисобланади. Бинобарин, ушбу дарпардаларга буюртмачининг логотипини ва маҳсулоти тасвирини тушириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ИФУТнинг 73.1-«Реклама фаолияти» гуруҳидаги 73.11-«Реклама агентликлари» синфига³ киритиладиган рекламани жойлаштириш ҳисобланади.

Аралаш фаолият юритилиши аён. У лицензияланмайди.

Айни пайтда матбаа фаолиятини амалга ошириш учун ЎзААда рўйхатдан ўтиш (гувоҳнома олган ҳолда) ва ИИВда ҳисобда туриш зарур (Низомнинг 5-7-бандлари, ВМнинг 27.12.2002 йилдаги 454-сон қарорига 1-илова).

Матбаа корхонаси сифатида босма маҳсулотларни реализация қилишдан тушган тушумнинг 1%ини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фонди фойдасига ажратишингиз керак бўлади (26.02.2010 йилдаги ПҚ-1292-сон қарорининг 4-банди).

Реклама масаласида буюртмачи (реклама берувчи) сизнинг талабингизга биноан реклама ахборотининг ишончлилигини тасдиқловчи ҳужжатларни, маҳсулотни ёки реклама берувчининг ўзини реклама қилаётганда тегишли лицензияни (агар фаолият лицензияланиши зарур бўлса) («Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси 2-қисми 2, 3-хатбосида), агар реклама қилинаётган маҳсулот мажбурий сертификатланиши керак бўлса, мувофиқлик сертификатини тақдим этиши шарт (АВ томонидан 6.04.2001 йилда 1024-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 32-банди, 40-банди «б» кичик банди).

Буюртмачилар билан шартномада машиналар учун дарпардалар тикканлик ҳамда уларда буюртмачининг реклама қилинаётган маҳсулоти ва логотипини тасвирлаганлик учун тўлов суммасини алоҳида кўрсатишни тавсия этимиз.

Якка тартибдаги тadbиркорлар юридик шахслар сингари дарпардалар тикиш, шунингдек рекламани ишлаб чиқиш ва жойлаштириш билан шугулланишлари мумкин (Рўйхатнинг 9, 47-бандлари, ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарорига 1-илова).

Камол Музаффаров,

«Norma Online» етакчи эксперти.

¹ИФУТ гуруҳларига изоҳлар, 13.92-синфга қаранг.

²Уша ердаги 18.12-синфга изоҳларга қаранг.

³Уша ердаги 73.11-синфга изоҳларга қаранг.

МЧЖ муассисларининг баённомасига биноан иштирокчилар жамиятни янги юридик шахсни ажратиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар, жамиятдан чиққан иккита иштирокчи (умумий улуши 30%) унинг муассислари бўлади.

МЧЖни бу тарзда қандай қайта ташкил этиш мумкин?

Кейинчалик «ягона дарча»да рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар зарур бўлади?

Е.Швец.

МЧЖни қайта ташкил этиш: ҳаракатлар алгоритми

Умумий йиғилиш

Биринчи босқичда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қуйдагилар тўғрисида қарор қабул қилади:

➤ ажратиш чиқариш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида;

➤ ажратиш чиқариш тартиби ва шартлари тўғрисида;

➤ янги жамиятни ташкил этиш тўғрисида ва тақсимлаш балансини тасдиқлаш тўғрисида;

➤ қайта ташкил этилаётган жамиятнинг таъсис ҳужжатларига жамият иштирокчилари таркибининг ўзгариши, уларнинг улушлари микдорлари аниқланиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ва ажратиш чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган бошқа ўзгаришларни киритади;

➤ зарурат бўлган тақдирда ўзга масалаларни, шу жумладан жамиятнинг органларини сайлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Ажратиш чиқарилаётган жамиятнинг иштирокчилари таъсис шартномасини имзолайдилар. Ажратиш чиқарилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлайди ва жамиятнинг органларини сайлайди («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддаси).

Тақсимлаш баланси

Тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган жамиятнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак. У қолган ҳужжатлар билан бирга янгида вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш учун тақдим этилади (ФКнинг 51-моддаси). Тақсимлаш балансини тузишга доир талаблар 23-сон БХМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»да (10-13-бандлар, АВ томонидан 27.06.2005 йилда 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилган) кўрсатишган.

Рўйхатдан ўтказиш

Сўнгра тadbиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази орқали янгида вужудга келган юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш ва қайта ташкил этилаётган жамиятни қайта рўйхатдан ўтказиш. Буни электрон тарзда ёхуд ўзи келган ҳолда амалга ошириш мумкин. Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш Tadbirkorlik

лик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс электрон тарзда рўйхатдан ўтказилганда ариза берувчи қуйдагиларни амалга ошириши шарт:

1) Ягона интерактив давлат хизматлари порталида фойдаланувчининг шахсий кабинети ёки «Тadbirkorlik субъектларининг шахсий кабинети»дан эркин фойдаланиш имконига эга бўлиши ва «Бизнесни рўйхатдан ўтказиш» хизматини танлаши;

2) белгиланган шаклдаги ариза (Низомга 5-илова) билан тadbirkorlik субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимига хизмат кўрсатишга сўровномани шакллантириши;

3) сўровномани шакллантираётганда лотин алифбосидаги эркин номлардан фирма номини танлаши. Номнинг бир хиллигини тизим автоматик тарзда текширади. Танланган фирма номи 60 календарь кунига ариза берувчи номига сақланиб туради (Низомнинг 11-банди);

4) электрон кўринишдаги сўровномага давлат тилидаги таъсис ҳужжатлари («pdf» форматида сканер қилинган нусхалари); тақсимлаш балансини илова қилиши.

Ариза берувчи таъсис ҳужжатларини ўз ихтиёрига кўра қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда намунавий шакллар асосида ёки бошқа шаклларда расмийлаштириш ҳуқуқига эга;

5) сўровномани шакллантириб бўлган, давлат божини тўлаши. Тизим томонидан уни тўлаш усуллари таклиф этилади.

Тизим реал вақт режимида 30 дақиқа ичида ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни текширади ва улар тегишли маълумотлар базаларига мувофиқ бўлганда:

➤ Tadbirkorlik субъектлари ягона давлат реестрига автоматик тарзда тегишли ёзувлар киритиш йўли билан давлат рўйхатидан ўтказиш;

➤ рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани шакллантиради;

➤ рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, таъсис ҳужжатларини электрон ҳужжатлар репозиторийида сақлайди;

➤ электрон ҳужжатлар репозиторийида давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга рад этишни шакллантиради ва сақлайди.

Давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг ташкил этилган юридик шахс банк

ҳисобрақамларини очиш учун банкка мурожаат қилади. Бунда рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва таъсис ҳужжатларининг асл нусхаларини ёки нусхаларини тақдим этиш талаб қилинмайди.

Қайта рўйхатдан ўтказиш

Қайта ташкил этилаётган жамиятни қайта рўйхатдан ўтказишда ариза берувчи қайта ташкил этилган пайтдан бошлаб 30 кун ичида юқоридаги талабларни ҳисобга олган ҳолда тегишли шаклдаги (Низомга 9-илова) электрон кўринишдаги сўровномани шакллантиради. Таъсис ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш учун уларни янги тахрирда қабул қилинг. Электрон кўринишдаги сўровномага қайта ташкил этилаётган жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг таъсис ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори нусхасини ҳам илова қилиш мақсадида мувофиқдир.

Ариза берувчи ўзи келган ҳолда юридик шахснинг почта манзилига мувофиқ жойлашган жойдаги рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилади ва юқорида кўрсатилган қороз ҳужжатларнинг асл нусхаларини 1 нусхада, шунингдек:

➤ унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси, шахсини ва яшаш жойини тасдиқловчи бошқа ҳужжат);

➤ ариза берувчи вақилининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома, шартнома, тadbirkorlik субъекти — юридик шахс муассисларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган қарори, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар);

➤ давлат божни тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ёки унинг белгиланган микдори тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади. Давлат божни Адлия вазирлигининг махсус шахсий ҳисобрақамига тўланади.

Жамият қайта рўйхатдан ўтказишда қўшимча равишда ажратиш чиқарилаётган юридик шахс муассисларининг қарори тақдим этилади.

Tadbirkorlik субъектларини электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказишда давлат божни микдори ўзи келган ҳолда рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказишдан кўра 2 баравар кам (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Ставкаларнинг 9-банди).

Лайло Ашурова,

«Norma Online» эксперти.



Фирма билан меҳнат муносабатларига эга бўлмаган муассис кейин қайтариш шарти билан молиявий қарз шартномасини (боланинг мактабгача таълим олиши учун тўлов кўринишида) тузишни сўраяпти.

Фирма билан муассис ўртасида бундай битимни тузиш мумкинми?

МЧЖ бухгалтери.

Муассис қарз сўраяпти

– Ҳа, мумкин, бироқ айрим шартларга риоя этиш лозим.

Қарз шартномасини тузиш ФКнинг 732–734-моддалари билан тартибга солинади.

Сизнинг ҳолатда битим тарафларидан бири (қарз олувчи) масъулияти чекланган жамиятнинг муассиси, бошқа томондан эса – жамиятнинг ўзи ҳисобланади.

Битимда муассислар умумий йиғилиши билан келишиш талаб этилиши мумкин. Агар қарз олмоқчи бўлган муассис ўз аффилиланган шахслари билан биргаликда жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг 20%и ва ундан ортиқ фоизига эга бўлса, шундай қилиш зарур.

Бундай битимни тузиш тўғрисидаги қарор унинг тузилишидан манфаатдор бўлмаган жамият иштирокчилари умумий овозларининг кўпчилиги овозлари билан қабул қилинади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддаси).

Агар шартномада қарз олишдан мақсад кўрсатилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт. Қарздан аниқ мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 739-моддаси).

Шу тариқа, жамият иштирокчиси юқоридаги шартларга риоя этган ҳолда қарз олишга ҳақли.

Алибек Худойбергенов,
«Norma Online» эксперти.

Банкнинг воситачилик ҳақи олиши қонунга зид

Хусусий акциядорлик тижорат банки хизматидан фойдаланадиган корхона ходимларнинг пластик карталарига иш ҳақини ўтказиш ва транзит счётага хизмат кўрсатгани учун банкка фоизларни тўлайди. Айни пайтда бошқа банклар, масалан, ЎзСҚБ АТБ юқорида кўрсатилган операциядан фоизларни ундирмайди.

ХАТБ ходимларнинг ПКга иш ҳақини ўтказишда транзит счётага хизмат кўрсатгани учун фоизларни ундиришга ҳақлими?

Е.Коровина.

– Йўқ, банк транзит счётага хизмат кўрсатганлик учун фоизларни ундиришга ҳақли эмас.

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади («Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси 1-қисми). Мижоз банкнинг ҳисобварақда турган пул маблағлари билан операция қилиш бўйича хизматлари ва банк ҳисобварағи шартномасида

назарда тутилган шартлар асосида ҳақ тўлайди (ФКнинг 780-моддаси 1-қисми).

Шу билан бирга 2017 йил 28 февралда «Ўзқарт» банклараро тўлов тизимининг банклараро мувофиқлаштириш кенгаши ва Марказий банк томонидан Тарифлар режаси тасдиқланган (http://www.cbu.uz/upload/tarif/tarifniy_plan.pdf). Режага изоҳларда кўрсатилгандек, у жорий йилнинг 15 мартдан кучга кирди ва барча



тижорат банклари учун мажбурий ҳисобланади.

Режанинг 6.2-бандида белгиланганидек, ташкилотлар жисмоний шахсларнинг банк пластик карточкаларига маблағларни ўтказганликлари учун банк воситачилик ҳақини олишга ҳақли эмас.

Хусусий уйда ишлаб чиқариш: талаблар ва чекловлар

Оилавий корхона 2016 йил ноябрда ташкил этилган. Асосий фаолият тури – макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Рўйхатдан ўтган пайдан бошлаб то шу давргача (ташкил этилаётган даврда) фаолиятни амалга оширмаяпти. Корхона иштирокчиларидан бири якка тартибдаги турар жойини ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тақдим этишга тайёр.

1. Якка тартибдаги турар жойда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жойлаштириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, корхона уни тақдим этган иштирокчи билан уйни ижарага олиш шартномасини тузиши зарурми?

2. Келгусида корхона ушбу турар жойни ижарага бера оладими?

О.Ведрова, бухгалтер.



1 Давсанэпидемназоратнинг ҳабарига кўра, якка тартибдаги турар жойда нодавлат мулк шаклидаги корхоналар ва ишлаб чиқаришлар (сизнинг ҳолатда макарон маҳсулотлари) ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини жойлаштиришга фақат унинг ҳудудий

органлари билан келишувга кўра норматив-техник ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ йўл қўйилади.

Атроф муҳитга зарарли моддалар ажратувчи манбалар ҳисобланган технологик жараёнларга эга корхоналар учун санитария-муҳофаза зоналари белгиланади. Макарон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар хавфлиликнинг V синфига мансуб (0246-08-сон СанҚНнинг 7.1.8-банди).

Шу муносабат билан якка тартибдаги турар жойда макарон маҳсулот-

ларини ишлаб чиқаришни жойлаштириш имконияти масаласи юзасидан Давсанэпидемназорат туман (шаҳар) органига мурожаат қилишингиз зарур.

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда корхона турар жойдан кўрсатилган мақсадда фойдаланиб, бошқа талаблар билан бир қаторда, маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт бўлади («Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси 1-қисми 5-хатбоши).

Турар жойда ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун уни нотурар жой мақомига ўтказиш зарур. Фақат шунда корхонагиз ва унинг иштирокчиси – уй эгаси ижара» (ёки текинга фойдаланиш) шартномасини тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Гап шундаки, юридик шахс ижарага берилган уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фойдаланиши мумкин (ФКнинг 600-моддаси 2-қисми; УЖКнинг 86-моддаси 1-қисми).

Агар тарафлар нотурар жойни ижарага бериш шартномасини тузсалар, у ёзма шаклда расмийлаштирилади. Уни нотариусда рўйхатдан ўтказиш шарт эмас. Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган ижарага бериш шартномаси кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ФКнинг 574-моддаси 1, 4-қисмлари).

2 Корхона уй эгасининг рухсати билан (бу шартноманинг ўзида қайд этилган бўлиши мумкин) уни иккиламчи ижарага топширишга ҳақли (УЖКнинг 86-моддаси; «Ижара тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси).

*Бунда уй мулкдори билан бирга яшаётган вояга етган оила аъзоларининг розилиги талаб этилади (УЖКнинг 25-моддаси 1-қисми).

Камол Музаффаров, «Norma Online» етакчи эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталланган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Жарима тўлайсиз

Green Card бўйича АҚШдаман. 2010 йил апрелда келганман, 2015 йил июнда эса 45 ёшга тўлганим сабабли паспортнинг амал қилиш мuddати ўтди. Доимий яшашга рухсатномани расмийлаштиришга улгураман деб ўйлагандим, бироқ режим амалга ошмади. Айни пайтда оилам АҚШда доимий яшашга рухсатнома асосида яшайди, ҳамма янги паспорт олиб бўлган. Менинг фақат битта йўлим бор – Нью-Йоркда сертификат олиб, Ўзбекистонга паспорт олишга боришим мумкин. Эски паспорт Ўзбекистонга (Самарқанд, Самарқанд вилояти) қанча вақтда етиб боради? 5 йилдан ортиқ вақтдан буён Ўзбекистондан ташқарида бўлганлигим муносабати билан паспорт олиш ва Ўзбекистондан чиқишда муаммага тўқнаш келмайдими?

С.К.

– Муддати ўтган паспортнингизнинг яшаш жойидаги паспорт столига келиш муддати қайтиб келишга сертификатнинг амал қилиш муддатига тенг – 1 ойдан ошмайди (АВ томонидан 17.06.1998 йилда 448-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Агар паспорт олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар шубҳа туғдирса (қайтиб келишга сертификатни олиш ҳолатларига қараб), ЎзРнинг АҚШдаги Элчихонасида сизга нисбатан 1 ой давом этадиган тегишли текширув ўтказишлари мумкин. Зарурат туғилганда эса – 6 ойгача (Йўриқнома, ИИВнинг АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғига 1-шлова).

ИИВда ёки ТИВда ваколатли органларнинг чет элда бўлган вақтингизда келган мамлакат қонунларини бузганлигингиз (қонун бузилишлари рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) тўғрисидаги ахбороти, шунингдек боришингиз мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатадиган ахбороти мавжуд бўлса – ахборот ҳисобга олинган кундан бошлаб 2 йил ўтгунча қадар чет элга бориш ҳуқуқингизни чеклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин (Тартиб, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-шлова).

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими қоидаларини бузгансиз, ундаги паспорт столида паспорт алмаштираётганингизда ҳақиқий бўлмаган паспортдан фойдаланганингиз учун маъмурий жазо – ЭКИҲнинг 1/2 қисмидан 3 бараваригача миқдордаги жарима қўллайдилар (МЖТКнинг 223-моддаси).

Картотека ёрдам беради

Онам Green Card ютиб олди, бироқ 8 йил аввал туристик виза бўйича Америкага бориб келгани сабабли Америка визасини ололмаяпти. Кўрсатилган муддатда чиқиб кетган, виза режимида бузмаган. 2012 йилда ёши сабабли паспортни алмаштирган. Ксеронусхалар ҳам, чипта ҳам – ҳеч нима сақлаиб қолмаган. Элчихонада виза ва АҚШдан чиққанлиги ҳақида муҳрлар қўйилган эски намунадаги паспортни тақдим этишни талаб қилаяптилар. Паспорт столида ҳеч қандай маълумот бермаяптилар. Эшитишимча, архив (Тошкентда) бор бўлиб, ахборот 5 йил сақланар экан. Қандай йўл тутиш кераклигини маслаҳат берсангиз.

Наталья Н. Тошкент ш.

– Фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ўзгариши ва бошқа сабабларга кўра топширилган паспортлар, ҳарбий-таълим муассасаларига ўқишга кирганларнинг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанларнинг, топиб олинган, ўрнига янгиланган берилган, вафот этганларнинг, шунингдек тўлдириш пайтида бузиб қўйилган паспортлар ойдаги камида 1 марта далолатнома бўйича йўқ қилинади. Унда эгасининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади, паспорт серияси ва рақами қирқиб олиниб, 2-сон шаклдаги махсус дафтарга ва йўқ қилиш далолатномаларининг ўчирилган паспорт тўғрисидаги ёзув ёнига ёпиштирилади.

1-сон шаклдаги аризада паспорт йўқ қилинганлиги тўғрисида белги қўйилади, сана (ой, йил) қайд этилади, йўқ қилиш сабаби ва далолатнома рақами кўрсатилади.

Агар йўқ қилинаётган паспортлар бошқа орган томонидан берилган бўлса, ушбу органга 8-сон шаклдаги хабарнома юборилади, унинг асосида 1-сон



шаклдаги аризада паспорт қачон, ким томонидан йўқ қилинганлиги ва йўқ қилиш сабаби кўрсатилади, шундан кейин ариза амалдаги картотекадан олиб қўйилади ва архивга жойлаштирилади.

Берилган эски намунадаги паспортларга 1-сон шаклдаги аризалар асос сифатида ички ишлар органларининг келиш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш хизмати бўлинмаларида махсус картотекаларда алфавит тартибда сақланади.

Сўровномаларни бажариш, нусхалар олиш учун ва бошқа зарур ҳолларда уларни картотекалардан вақтинча олишга рухсат берилади. Уларни бошқа хизматлар ва органларнинг ходимларига бериш ёки сўровномаларга кўра жўнатиш тақиқланади.

Онангизнинг эски намунадаги паспортни юқорида кўрсатилган тартибда йўқ қилинган. У ҳақдаги маълумотлар 1-сон шаклдаги карточкада (паспорт берилганлиги тўғрисидаги аризада) сақланади, унда паспорт эгасининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган жойи, туғилган санаси, никоҳи қайд этилганлиги, паспорт серияси, рақами ва уни берган орган тўғрисидаги ахборот мавжуд. Бундан ташқари, ушбу карточкага эгасининг фотосурати ёпиштирилган (698-сон Йўриқнома).

Онангиз ариза-анкетада қайд этган мамлакатни кўрсатган ҳолда хорижга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув ушбу бўлинмада расмийлаштирилганлиги ҳақида маълумотнома беришни сўраб паспорт столига мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Давлат чегарасини кесиб ўтганлик ва АҚШга чиққанлик тўғрисидаги паспортдаги қайдлар масаласида ЎзР МХХ хузуридаги Давлат чегарасини қўриқлаш қўмитасига мурожаат қилиш мумкин, у ерда фуқароларнинг кириши-чиқиши ҳақидаги маълумотлар сақланади.

Тасдиқлаш учун маълумотнома

2005 йилда 13 ёшимда оилам билан Беларусга доимий яшаш учун кўчиб кетганман. Консуллик ҳисобига турмаганмиз. Биринчи марта паспорт столида яшаш учун гувоҳномани метрика асосида олганман, кейин эса уни узайтириш учун паспорт талаб қила бошладилар. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси бўйича ЎзР фуқаролигини йўқотганлигим тўғрисидаги ҳужжатни олишим мумкинми? Бунинг қандай амалга оширса бўлади?

Е.Голевич.

– Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасасига анкета-ариза тақдим этишингиз зарур, уни аввалги яшаш жойингиздаги ИИБга жўнатадилар.

15 кун давомида мулкий мажбуриятлари, иши ёки ўқиши мавжудлиги, судланганлиги, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш санаси текширилади.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга кирганидан кейин, яъни 1992 йил 28 июлдан кейин бошқа мамлакатга доимий яшаш учун чиқиб кетган шахсларга белгиланган намунадаги тегишли маълумотнома расмийлаштирилади.

Маълумотнома ИИБ бошлиғи томонидан имзоланади, гербли муҳр билан тасдиқланади, келиб тушган

анкета-ариза рақами билан рўйхатдан ўтказилади ҳамда ариза берувчига топширилади ёхуд ТИВга жўнатилади. Сўнгра маълумотномалар чет элда яшовчи шахсларга топшириш учун ЎзР ТИВга жўнатилади (Тартиб, ИИВ ва ТИВнинг АВ томонидан 27.10.1998 йилда 513-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғига 1-шлова).

Кўп йил ўтибди

1999 йил сентябрда Учкудукда яшаганман, у ерда пропискадан ўтганман. Турмушга чиқиб, фамилиямни ўзгартирдим. Айни пайтда Россия Федерациясида яшайман. 1999 йил сентябрда Учкудукда прописка қилинганлигим ҳақидаги маълумотлар қайд этилган маълумотномани қандай қилиб олишим мумкин?

Е.Сонеева.

– Прописка тўғрисидаги маълумотларни манзилга келиш (кейтиш) варақалари бўйича олиш мумкин. Улар келиш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш хизмати бўлинмаси (манзил-маълумотлар бюроси) картотекасида сақланади. Келиш ёки кетиш янги варақаси келиб тушганда эскиси олиб қўйилади ва йўқ қилинади.

Кетиш варақаси амалдаги картотекада 3 йил, сўнгра архивда 3 йил сақланади. 6 йил ўтгач, у йўқ қилинади. Фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартирган фуқароларнинг кетиш варақалари картотекада 20 йил сақланади, кейин эса йўқ қилинади (698-сон Йўриқноманинг 44-банди).

Йўриқномага мувофиқ

Францияда ўқийман. Паспортимни йўқотиб қўйдим. Ўзбекистон Элчихонасида айтишларича, паспортни тиклаб бермас эканлар, ҳолбуки бошқа мамлакатларда ушбу амалиёт қўлланади. Менга айтишларича, бунинг учун Ўзбекистонга қайтишим керак экан. Ҳақиқатан ҳам Элчихонада янги паспорт олиш мумкин эмасми?

А.Ф.

– Аввало консуллик рўйхатида олинган бўлишингиз керак (Низомнинг 53-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-шлова). Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига хорижда паспортингизни йўқотганлигингиз ҳақида ариза беришингиз шарт. Сизга бу ҳақда белгиланган намунадаги маълумотномани (3-сон шакл) беришлари лозим.

Фуқаро паспортини йўқотганда уни йўқотганлик тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб 1 ой ичида белгиланган тартибда янгиси берилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги консуллик муассасасида вақтинча консуллик рўйхатида олинган бўлсангиз, шунингдек мамлакатда таълим олиш муносабати билан 6 ойдан ортиқ қонуний равишда турган бўлсангиз, биометрик паспортни йўқотганлигингиз муносабати билан уни Элчихонада олишингиз мумкин (Тартибнинг II бўлими 5-банди, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-шлова).

Паспортни расмийлаштириш учун қуйидагилар тақдим этилади:

- белгиланган шаклдаги ариза;
- 35 x 45 мм ўлчамли фотокарточка;
- паспорт йўқотилганлиги тўғрисида маълумотнома;

➢ консуллик ва бошқа йиғимлар тўланганлиги ҳақида квитанция (АВ томонидан 11.05.1999 йилда 726-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Санжар Ҳўжаҳмедов, «Norma Online» эксперти.



Компанияда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга асосан хизматлар кўрсатувчи жисмоний шахслар бор. Уларни лозим даражада расмийлаштириш мақсадида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани тузиш муддати юзасидан қонуний чекловлар мавжудлиги ҳусусида тушунтириш берсангиз.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани тузиш муддати 3 ой этиб чеклаш қонунийми?

Е.Аганджанова.

ФҲШ: иш ҳажмини муддат белгилайди

— Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича тарафларнинг муносабатлари ФКнинг 38-бобидаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солинади. Ишни бажаришнинг бошланғич ва охири муддатлари ёки ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари шартномада кўрсатиладиган пудрат тўғрисидаги қоидалар ФКнинг 708-моддасига мувофиқ ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланади (ФКнинг 635-моддаси).

Қонун ҳужжатларида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани тузиш муддатини 3 ой этиб чеклаш ҳақида талаб йўқ. Бинобарин, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома муайян ишларни (хизматларни) бажариш (кўрсатиш) вақтига тузилади ва унда уларни тугаллаш муддатини кўрсатиш зарур. Бунда шартноманинг амал қилиш муддати, ишларни (хизматларни) бажариш (кўрсатиш) муддати сингари, тарафларнинг келишувига кўра белгиланади.

Лайло Ашурова, «Norma Online» эксперти.

Такрорий инструктаж: ўтказиш даврийлиги

Ходимлар билан даврий инструктажни ҳар чоракда эмас, балки Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларни текширишни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низом асосида 6 ойда бир марта ўтказиш мумкинми?

А.Умаров.

— Ишчилар учун, малакаси ва иш стажидан қатъи назар, ишлаган ҳар 6 ойида камида бир марта меҳнат муҳофазаси бўйича инструктаж ўтказилиши зарур (АВ томонидан 14.08.1996 йилда 272-сон билан рўйхатдан ўтказилган Намунавий низомнинг 12-банди).

Бироқ Барча касблардаги ишчилар учун меҳнат муҳофазасига доир намунавий йўриқноманинг (АВ томонидан 7.01.2000 йилда 870-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга 6-илова) 1-бандига мувофиқ, ишчи учун 3 ойда камида 1 марта меҳнат муҳофазаси ва билимларини текшириш юзасидан такрорий инструктаж ўтказилади.

Кейинги норматив-ҳуқуқий ҳужжат, унга изоҳ-

да кўрсатилганидек, тавсия тусига эга бўлгани сабабли даврий инструктаж 6 ойда камида 1 марта албатта ўтказилиши шарт деб ҳисоблаймиз.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади. Агар вояга етмаган шахслар билан инструктаж ўтказилмаган бўлса, жарима миқдори ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорни ташкил этади (МЖТКнинг 49-моддаси).

Бундан ташқари, иш берувчи ходимга унинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлайди (Қоидалар, ВМнинг 11.02.2005 йилдаги 60-сон қарорига 1-илова). Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахс ЖКнинг 257-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Эркин Ҳосилов, «Norma Online» эксперти.



ХОРИЖ ВА БИЗДАГИ ТАЖРИБА

Тиббий кўрикдан ўтмаганлик учун тиббий суғурта бадалларини оширадилар

РФ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳукуматга онкологик касалликлар бор-йўқлиги юзасидан текширишдан бўйин товлаганлик учун иш берувчиларга нисбатан маъмурий ёки жиноий жавобгарликни жорий этишни таклиф этди.

Россия ҳукумати иш берувчилар учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликни қонун ҳужжатлари доирасида жорий эта олмаслиги сабабли муаммага ёндашув ўзгарди. Энди ходимлари диспансеризация ва профессионал кўрикдан ўтмаган иш берувчилар учун мажбурий тиббий суғуртага ажратмалар тарифини ошириш таклиф этилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ставкани ва диспансеризациядан ўтишга мажбурлашнинг бошқа шартларини экспертлар билан кенгашич эълон қилишни режалаштирмоқда.



Ўзбекистонда фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва касб касалликларининг олдини олиш учун рўйхати республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ишлаб чиқаришлар ва алоҳида касблардаги ходимлар ишга кирётганда дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтадилар.

Иш берувчи кўйдаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

- 18 ёшга тўлмаганлар;
- 60 ёшга тўлган эркаклар, 55 ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;

- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа маъсасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Ушбу ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларининг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товланган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Иш берувчилар ходимлари ўз вақтида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилмаганлиги ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш оқибатида фуқароларнинг саломатлигига зиён етказилганлиги учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Директорлар ва бош бухгалтерлар учун янги жазо чоралари

Ходимларнинг шахсий маълумотларини йиққанлик ва унга ишлов берганлик учун бош бухгалтерга янги жарималар назарда тутилди.

РФ Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгаришлар 2017 йил 1 июлдан амал қила бошлади. Чунончи, МЖТКнинг «Шахсий маълумотлар соҳасида Россия Федерацияси қонунчилигини бузиш» моддаси янги тахрирда баён этилди. Шахсий маълумотларни ноқонуний равишда йиққанлик учун бухгалтер (якка тар-

тибдаги тадбиркор, раҳбар) 5–10 минг рубль миқдорига жаримага тортилади. Компанияга эса 30 минг рублдан 50 минг рублгача жазо тайинланади. Агар ходимнинг шахсий маълумотларидан унинг ёзма розилигисиз фойдаланилса, бухгалтер (ЯТТ, раҳбар) учун жарима 10–20 минг рублни, юридик шахслар учун эса 15–75 минг рублни ташкил этади.

Ўзбекистонда шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 40 бараваригача миқдорда (ЭКИХнинг 1 баравари — 149 775 сўм) жарима солишга сабаб бўлади.

Ўз ахборотимиз.

Иккиқонуний-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОҒЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ**

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
**Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;

Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қўроқ бичими — А3. Ҳажми — 2 босма таъбиқ. Баҳоси янгиликлар нарҳида.
Буюртма 1080. Адади 1 090. Газета 2017 йил 7 август соат 19.30 да топширилди.